

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

7 ноябрь, жума, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 228 (1745)

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 29 октябрдаги «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши бажарилиши юзасидан тузилган комиссиянинг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни мазкур комиссия раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов бошқарди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари ва иқтисодий ноҳор корхоналар ишлари Кўмитасининг худудий бошқармалари бошлиқлари қатнашди.


Мажлисида бугунги кунда кўпгина қишлоқ хўжалик корхоналари белгиланган вазибаларни мунтазам равишда баҳармай келаятганлиги, катта миқдорда дебиторлик қарзлари ва тўловлари зиммасида бўлган корхоналар мавжудлиги, яъни банкротлик ҳолатига тушиб қолганлиги таъкидланди. Бунинг албатта объектив ва субъектив сабаблари бор. Хусусан, кўпгина хўжалик раҳбар-

ларининг бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб олмаслиги, қишлоқ ҳаётини тубдан янгилашга, ишлаб чиқариш жараёнида жаҳон технологияларини қўллашда ишни аниқ режасиз олиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари тақдирини ҳал этиши лозим бўлган масалаларни ечиш, иқтисодий ноҳор корхоналарга молиявий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига кўра мазкур ҳукумат комиссияси ташкил этилганлиги, бу шу куннинг долзарб муаммосини ҳал қилишга қаратилганлиги қайд этилди.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда худди шундай худудий комиссиялар ташкил этиш вазибалари топирилди. Худудий комиссиялар тўғрисидаги Низом тасдиқланиб, худудий ко-

• ЛАҲЗА



БОЛАЛАР Тўғрисида ҒАМХўРАИК

Ноябрь ойининг бошларида Андижондаги камхўрж оилалардан тўрт мингдан ортиқ мактаб ўқувчиси дарсга янги кийимда келди.

Мамлакатимиз Президентининг фармойишини амалга оширишга оид табирлар доирасида 1-4-синфларнинг ўқувчиларига иссиқ кийимлар ва пойабзал текинга берилди. Ёш авлод тўғрисидаги бун-

дай ғамхўрлик учун болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам давлатимиз бошлиғига чин юракдан миннатдорлик билдирдилар.

Қиш олдида республиканинг бошқа вилоятларида ҳам кўп болани ва камхўрж оилалардаги болалар ҳам ана шундай совға олмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

САВДОДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

6 ноябрь кунини Тошкент шаҳар ҳокимлигида бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида савдо соҳасида тартиб ўрнатиш масаласига бағишланган йиғин бўлиб ўтди.

Унда мазкур соҳага тааллуқли ташкилот раҳбарлари ва мутасадди кишилар иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бозорлардаги бутунги аҳолини жиддий таҳлил қилишди. Мавжуд хатокамчиликлар юзасидан фикр билдиришди. Шунингдек, савдо дўконларида озиқ-овқат маҳсулотларининг таъминотида ҳеч қандай асос йўқлиги, бу борада республикада амалга оширилаётган чора-тадбирлар етарли эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Хулоса шунки, савдо тизимини ривожлантириш даражаси, унга ҳар бир киши вивқонан ёндашуви зарурлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаев иштирок этди.

ЎЗ мухбири.

• ҲАЁТ ТАФАККУРНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасида бу масалага бағишланган йиғилишда Ислам Каримов сўзлаган нуқтада қишлоқ хўжалигини янги юқори поғонага кўтариш истиқболи белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, бутун халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 40 фоизга яқини шу тармоқда меҳнат қилмоқда. Мамлакат аҳолисининг қарийб 65 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ислохотлар чуқурлашмас экан, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бу масалани ҳал этиш осон кўчмайди. Президентимиз юқорида тилга олинган мажлисда таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар бутун ҳаётимизни ўзгартиради, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради.

Қишлоқда ислохотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланмоқда. Фармонлар, қарорлар қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигини моддий ва молиявий, техникавий жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш чоралари кўриляпти. Бу соҳада муайян ютуқлар ҳам йўқ эмасди. Шунга қарамастан, аграр секторда ислохотларнинг бориши, бу соҳадаги аҳоли кўпчилигини қаноатлантирмайди, унинг ривожланиши суруъатлари санаятда монанд эмас. Чунки 1996 йилда 1995 йилдагига нисбатан саноат маҳсулотлари ҳажми 106,0 фоизни ташкил қилган ҳолда, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 92,7 фоизга баробар бўлди.

Нима учун бугунги кунга келиб ислохотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчирилмоқда?

Йўлбошимчиси «Ўзбекистон XXI аср бугунда: ҳафизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига таъкидлаганидек: «Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторига катта-катта захиралар мавжуд. Уларни ишла солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг яқини, барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнида аграр секторни қанчалик кенг қамраб олишга, қишлоқда ислохотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади».

Демак, мустақилликнинг еттинчи йилида қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда турмушнинг янги поғонага кўтариш жиддий қўйилган экан, бу аввало, ҳаёт тақозоси, қолаверса, кун тартибига қўйилган ҳар бир широр, ва-

зифа реал имкониятга таянмоғи лозим. Бугун ана шундай имкониятлар юзага келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари санаятда, умумий иқтисодиётда мўжасамлашган. Бу аксиома. Қишлоқ хўжалигини жадал олға силжитиш учун жуда катта миқдорда молиявий ресурслар зарур. Бу қадар салмоқли маблағлар ёки мамлакат ичкарисида ишлаб топилгани ёки хорижий давлатлардан, халқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Қайси йўлни танлашни, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ўша давлатнинг ўзи ҳал қилади. Биз қайси йўлдан бораётганимиз маълум. Деярли барча мамлакатларда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги норентабел ҳисобланади, шунинг учун ҳам давлатдан кўмак олади.

Қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш учун, аввало, умумий иқтисодиётда, саноатда жиддий ўзгаришлар, силжишлар юз бериши керак эди.

90-йиллар Ўзбекистонда халқ хўжалигини, унинг муҳим бўлини саноатни ривожлантиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштиришда алоҳида муҳим босқич ҳисобланади. Бу даврда бир вақтнинг ўзида икки йirik тарихий вазифа илгари сурилди ва муваффақиятли ечилмоқда. Улар БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА УТИШ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРПО ЭТИШДир. Чунончи, Андижонда, Бухорода, Қўқонда, Хоразмда, Навоийда, Тошкентда йirik завод ва фабрикалар ишта туширилди. Улар бугун маҳсулот бера бошладилар, миллий иқтисодиётга, мустақилликни иқтисодий ва молиявий мустақамлашга, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти фақат шулардангина иборат эмас. Халқ хўжалигини, саноат структураси такомиллашмоқда, мамлакат борган сари индустриал қиёфа касб этмоқда, минглаб кишиларимиз иш билан таъминландилар. Мустақамлачилик йилларида қарор топган саноат тараққиётининг ному-таносибликларга, зиддиятларга барҳам берила бошлади. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши нотекис, асосан Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида тўпланган эди. Мустақиллик йилларида қуриб ишта туширилган корхоналар ҳисобига саноат ишлаб чиқариши географияси анча кенгайди.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар

тажрибаси шунини кўрсатдики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги мажмуи тармоқлари, энг аввало, саноат билан chambarchас боғлиқ. У ҳозир саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, маъданли ўнгитлар ишлаб чиқариш), саноат билан тугалланади (етиштирилган хомашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Ғишт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатда қайта ишловдан ўтади. Бу объектив жараён.

ЯНГИЛАНИШ ТАҚДИРИ

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида саноатда қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун мустаҳкам негиз қурилди. Умуман, приоритет (устулик) деган тушунчанинг моҳияти ҳам шундан келиб чиқди. Олдин жадал ривожлантириш учун айрим, энг зарур соҳалар танланади ва улар келгусида қолган соҳаларни ривожлантириш учун тамал тоши ўрнини ўтади. Урушдан кейинги йилларда Германияда ҳам, Японияда ҳам шундай йўл танланган эди. Худди шунингдек, тармоқ ичнда ҳам устун соҳа ва йўналишлар белгилашни мумкин. Шунинг учун керакки, бошқа соҳаларда бўлганлик, қишлоқ хўжалигидан ҳам бизга оғир мерос қолган эди. Тўғри, 70-80 йилларда қишлоқ хўжалигига қара бериш, харид нархларини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ҳамда солиқ сийсати бир неча бор қайта кўрилиб, агросаноат мажмуи фойдаланишга тўғ ҳал этилди. Бир неча ўн йиллар давомида қишлоққа нисбатан ўтказиб келинган адолатсизлик, бир оз бўлса-да, юмшатишмоқчи бўлишди. Аммо бу сийсат эски ишлаб чиқариш усуллариини сақлаб қолнишга, йirik қолхоз ва совхоз ишлаб чиқариш монополиясини мустақамлашга, саноат учун керакли бўлган техника эканлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилди, қишлоқда хўжалик юритиш шакллари кенгайтиришни рағбатлантирди.

Ёр давлатники, бу жамоа ва давлат хўжаликларига фойдаланиш учун бериб

қўйилгани сабабли ҳам харид нархини белгилаш давлат монополияси бўлиб келди. Мана, нима учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган харид нархлари улзуксиз равишда индустриал ишлаб чиқариш воситаларига белгиланадиган саноат улгуржи нархларидан, ана шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол молларига белгиланадиган давлат чакана баҳоларидан улзуксиз орқала қолиб кетди. Бу узоқ йиллар давомида шаклланиб келган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини аграр соҳа ҳисобига ривожлантиришдан бошқа нарса эмас эди.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг учта таянч нуқтаси бор. Улар ХУСУСИЙ МУЛК, ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК (соҳибкорлик) ва РАҚОБАТДир. Бизнингча, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш, айниқса, ерни сотиш ва сотиб олиш объектига айлантириш масаласи анча мураккаб, етти ўлчаб бир кесилиши талаб қиладиган, шошма-шошарликни хуш кўрмайдиган масаладир. Ғишт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотларда деҳқончилик асосан суғоришга асосланган, экинга яроқли ер майдонлари кўп жиҳатдан чекланган, катта миқдорда эканлигини техника эканлари, шу жумладан, пахта жамоа бўлиб меҳнат қилишни тақозо этади. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида ер қадострининг ишлаб чиқилиши, ерлар баҳолалиниши керак. Булар маълум вақт талаб қиладиган катта юмушлардир. Ўтиш даври ҳали тўла тугалланмаган, баҳолар турли ички ва ташқи омилар таъсирида тебраниб турган пайтда бутунги мезонлар эртанги вазиятни тўла ифода қилмаслиги ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, бу ерда қарор топган ағна-наларни ҳам назардан соқит қилолмаймиз. Эҳтимол, ерни хусусий мулк объектига айлантириш борасида истаганча гапириш, ёзиш ва тортишиш мумкин. Лекин бизнинг ўлкада ҳаминша деҳқон ер эгасига эмас, ернинг ўзига берилган. Россияда эса кре-постной деҳқон помещикники бўлиб келган. Биргина шу феноменнинг ўзи ҳам хусусий мулкчилик ерга эгалик қилишнинг ягона шакли бўла олмаслигини кўрсатади.

Хўш, унда нима қилиш керак? Ердан фойдаланишнинг биз учун самарали қандай усуллари, шакллари бор? Бу ҳақда йўлбошимчиси шундай деб ёзди: «Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини ўйоттиш мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларининг ўзиде ижара муно-

сабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, деҳқон (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларини кенг ривожлантириш асосида рўй бериш лозим».

Деҳқончиликда оилавий пудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш, пай орқали мулкка эгалик қилиш, даромад ортиқ, шартнома асосида ишлаш бугун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 3-5 фоизини ташкил этадиган фермерлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айни пайтда уларни бошқа давлатларга ҳам экспорт қилади. Шундайликка шундай, лекин худди шу Голландияда ёки Америкада фермерларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича қанчадан-қанча аҳоли банд эканлигини соқит қилиб бўлмайди. Фермер ўз уйида ёки фермасида туриб, керакли урултиқ, маъданли ўнгит ёки техника хизмати учун, арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорига буюртма бериши ва уни ўз вақтида олиши мумкин. У эҳтиёт қисмлар, ёқилгини ҳафталаб кутиб ўтирмайди. Токи деҳқон (фермер) ўзининг асосий иши -- ҳосил тўплаш ва йиғиш билан шуғулланмас экан, унинг ишида унум, самара ҳам бўлмайди.

Президентимизнинг қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини етарлича ташкил қилиш зарурлигини, деҳқонларга давлат ёрдамини амалсизлик кераклигини қайта-қайта таъкидлаётганининг боиси ҳам шунда. Расмий статистика маълумотларга кўра, 1996 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 53,1 фоизга аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликлариде етиштирилди. Ижара корхоналари, ширкатлар ва фермер хўжаликларининг ҳам ҳиссаси ортди. Агар уларга ўз вақтида керакли миқдорда ёрдам кўрсатиладиган бўлса, қабул пунктлари ва қайта ишлаш корхоналари қуввати етарли бўлса, улар бундан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши ва истеъмол бозорини бойитиши мумкин.

Бугун ислохотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчирилмоқда. Саноатимиз каби қишлоқ хўжалиги ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган соҳага айланишига тўлиқ асослар бор. Белгилаётган режа ва дастурларнинг амалга оширилиши танланган янгиланиш ва ислохотлар йўлининг тўғрилигини яна бир бор исботлайди.

Нурселом ТўХЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ ЛОЙИҲА ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимиз ва БМТ ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривож топиб бормоқда. Ҳозирда БМТнинг кўплаб ташкилотлари, дастурлари ватанимизда муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда.

Куни кеча Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига жойлашган, 1995 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Макроиқтисодий таҳлил ва қадрлар тайёрлаш лойиҳаси» ташкилотига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар маркази лойиҳасини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққан БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили жаноб Холлид Маллик ва Марказнинг мувофиқлаштириш Кенгаши раиси, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев ушбу лойиҳанинг асосий йўналишлари, мақсад-вазифалари хусусида гапирдилар. Мазкур лойиҳа иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланган мамлакатимиз иқтисодиётини янада раванқ топтириш, одамларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш, бевосита иқтисод билан шуғулланувчи вазирликлар, ташкилотлар ва банкларга мустақил тадқиқотлар билан таъсиялар беришни кўзда тутди. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз учун мазкур лойиҳанинг амалга ошиши эътиборга молик воқеа бўлди.

ЎЗ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАНДИ

Шу йилнинг 4 ноябрида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг Парижда ўтаётган 29-сессиясида Ўзбекистон биринчи бор мазкур баобўр халқаро ташкилот Ижроия Кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

Ижроия Кенгаши ЮНЕСКОнинг Олий органи -- Бош Конференция сессиялари оралиқ давридаги раҳбар орган ҳисобланади. У 58 давлат вакиллари билан иборат бўлиб, тўрт йилга сайланади. Ўзбекистоннинг Ижроия Кенгашида иштирок этиши ЮНЕСКОнинг юртимиз буюк олим ва мутафаккирларининг математика фанлари, астрономия, тиббиёт, фалсафа ва меъморчилик соҳалари бўйича дунё дини-лизиацияси хазинасини бойитишдаги хизматларини, шу билан бирга Ўзбекистонда таълим ҳамда Марказий Осиё халқларининг бой маданий ва маънавий меросларини сақлаш соҳасида олиб борилаётган замонавий давлатчилик сийсатини тан олганидан далолат беради.

«Жаҳон» АА,
Париж.

ПУБЛИЦИСТИКА

Кўёш ҳар доим чиқади, нур сочади. Дарё шовуллаб оқади. Тирикликка ҳаёт улашади. Бошимизда тинч осмон. Оёғимиз остида ер. Шунинг ўзи тугилиш ва яшаш имконияти. Қандай қилиб умр кечириб эса бу инсонларга ҳавола. Тинчгина яшаб, ўз ризқимизга қаноат қилиб, ерни гуллашиб, обод қилиб, жамиятни яшатиб, хузуур-ҳаловат бағрида Оллоҳ берган насибамиз заминдан узилганига қадар одамдай яшаб ўтишимиз, бу фоний дунё синовидир.

Аслида ер юзидаги барча қирғинбаротлар, урушлар, жанжал-тўпалонларга одамзоднинг ўзи сабабчи. Тахт талашамиз. Бахт талашамиз. Бир-биримизга қурол ўқтамиз... ва сўнгра... оламдан оқибат, диёнат ахтарамиз... Нафс балоси, очқулик, кўз тўймаслик, шон-шавкат измига бўйин тутиб берган, инсоний бир меҳр, самимият, тирикликка нисбатан ҳурмат туйғуларидан айрилган... (балки бундай одамлар ёвуз бўлиб тугилишар, қаҳр-ғазаб дарёси оқар кўнглида) инсонлар қурол ушлашга, бошқаларга тиг тортишга ўзларида журъат топадилар, ўлдирибдан қўрмайдилар.

Қайси мақсадга йўналтирилганлигидан қатъий назар, қайсики мамлакатда уруш олови ёнаркан, албатта ўша ерда ҳаёт ўз оқимини ўзгартиради, издан чиқади. Тириклик қонунияти бузилади. Хаммаси ўша... нафс, бадқирдорлик, манфаат туфайли юзага келади... Бироқ ҳали шу пайтгача ҳеч бир киши бу дунёдан бойлик, тожу тахт, худудсиз ерни ортмалаб кетган эмас.

Бугунги кунда дунёнинг бир бурчида содир бўлаётган уруш ў ёки бу маънода бошқа бир бурчидидаги мамлакатга таъсир этади. Бу табиий ҳол. Уруш фожеаси бутун бир инсоният фожеасидир. Бир кунлик жанжал чиққан жойда қирқ кунлик туз-насиба кўтарилади. Инсон фарзандининг бир дақиқалик, нари борса бир кунлик фожелар гирдобидида кечган умри қайғу ва ҳасратнинг шох асари, улкан бир китоб бўлиши мумкин. Жаҳоннинг барча урушлари завола ва залолат ботқоғида қолган инсоният ҳаётининг энг қора кунларига муҳр босади. Шу боиски урушларнинг катта-кичиги бўлмайди.

Хар бир даврда етук арбоблар камолат сари юксалган шохлар, яъни, ўз халқи бахти-саодатини умумбашарий эзгуликлар билан уйғун кўрган ва буни англаган давлат раҳбарлари тинчлик ва осойишталик, фаровонлик посбони бўлиб келишган. Шу боиски улар халқнинг дилида Ватан тарихининг ёрқин саҳифаларида ўз номини мангу қолдириб кетишади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Уруш

тўфонлари ичида мамлакат келажиги учун душман йўлини тўсиш, атроф-теварак нотинч чайқалиб, уруш оловининг тафти сезилиб турган паллада юрт тинчлигини, эл осойишталигини сақлаб туриш, тўқин-сочинлик яратилишининг ўзи ҳам қаҳрамонликдир. Бундай донишмандона йўл тутиб, босиқлик билан хулоса чиқариб, ақл билан

турар... Бироқ у шу кунлар қадрини жим туриши билан ҳам Сиздан кўра кўпроқ тушуниши, англаши, ҳис қилишини намоеён этади. Бехуда ўлдириб тентақлик саналгани каби беҳудуга ўлиб кетиш ҳам ақли расолликка кирмайди. Қаранг, инсон уруш боис адовату кин туфайли ҳар иккала томондан ҳам мислсиз гуноҳга бо-

уҳун шундан ўзга оғир жазо бўлмаса керак. Урушнинг бошида бир ховуч ёвузлар туради, бироқ бутун бошли халқлар азият чекади.

Бугун Ўзбекистонда яшаётганимиздан, шундай бир сўлим Ватанда киндик қоним тоғимдан Оллоҳга шукрона айтаман. Субҳ чоғи, Яратгандан элга ризқу насиба, тинчлик сўрайман. Йигитлик умримнинг гулдворини жанг кўйида, ўт-олов ичида ўтказганим, бошқаларга нисбатан кўпроқ дахшатилик воқеалар ва бесаноқ ўлим кўрганим учун ҳам,

бахраманд бўлиш учун кеҳсиз имкониятлар яратилди. Бундан 5-6 йил олдин тасаввуримизга ҳам сиймаган воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Дунёнинг нариги бурчи бир қадам бўлиб қолди. Шу бугуннинг ўзида бошқа бир қитъага сафар қилиш имконига эгасиз. Жаҳоннинг мана-ман деган давлатларини хангуманг этакка истиклол иншоотларини бир-бир ёдингизга солиб ўтишга ҳождат йўқ, деб ўйлайман. Буларнинг бари мамлакатимизда тинчликнинг барқарорлиги шарофатидир. Халқ ва ҳукумат яқдиллиги самарасидир.

Кунни кеча ЎзТВни кузатдим. Тожикистондаги уруш оқибатида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган минглаб одамлар... Улар Афғонистоннинг шимолий қисмидан паҳоқ излашганди. Сувдан қочиб ўтга тутилган бу беғуноҳ инсонлар беш йил мобайнида мислсиз азобларни кўрдилар. Афғонистоннинг шимолий қисмида ватангадо бўлган бу кишилар, ўз юртини, она кишлоғини, киндик-қони тўқилган оstonасини соғинган эдилар. Оллоҳга шукрулар бўлсинки, Тожикистон замининда ҳам осойиш кунлар ҳукм сура бошлангани боис улар юртимизнинг жанубий қисми Термиз орқали ўз ватанларига қайтидилар... Юзлаб болакайларнинг жовдирган ниғоши, жафокаш аёллар чеҳрасида қотган мунг, кексалар дийдасидаги ҳасрат, эрлар бошига тушган кулфат урушнинг қабиҳ мусибатларидан сўзларди гўё. Бу жабрдийда кишилар беминнат ва беғараз муносабатда бўлиб, то ўз юртига қайтган омон-эсон этиб олишларига фақолат берган мамлакатимиз ҳукумати ва халқимизга йўғлаб, кўз ёши тўкиб миннатдорчилик билдирдилар. Ўзбекистоннинг биродарларча кўмағи, буюк мададини умрлари охиригача унутмаслигини айтдилар. Юртимиздаги шу ёрғун кунларга беҳад ҳавас қилишларини яширмадилар. Ҳа, халқ ҳақиқатини, дилида борини гапирди. Шунинг ўзи Она -- Ўзбекистонимизда бугунги ҳаёт бир маромда кечаётгани, инсоний қадр-қиммат улуғлаётганидан далолат эмасми?!

Очиғи, бу ҳолни қўрқмаётган айрим кимсаларга бизнинг тинчлигимиз, гуржираб ўсаётганлигимиз ёқмайпти. Баъзи бир бузуқ ниатлилар Афғонистондаги вазиятга қайси бир томонлама Ўзбекистонни ҳам «қиртириб» ўтишни, юртимизни ҳам алоқадор қилиб кўрсатишга уринишмоқда.

Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўли бор. Халқ бунга ишонади. Бу йўлда фидойилик қилади. Юртимизда доимо тинчлик ва хотиржамлик гоёларий ҳукм суради. Ўзбекистон тириклик ва ҳаёт бағрига орзу-умидлар олиб оқётган зилот сувли бир азим дарёдир. Уни лойқалатиш учун тупроқ ташлашга ҳарчанд урунмасинлар шашт билан оқётган тип-тинч сув хар қандай чанг-ғуборни ювиб кетади. Чунки бу дарёнинг ўзани эзгуликдир.

Қўқор НОРҚОБИЛ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФОНИЙ ДУНЁ СИНОВИ



иш юритиш раҳбарнинг жасорати ва маҳоратидан далолатдир. Ҳа, юртимиз истиклолининг бошида турган, халқнинг тинчлигини таъмин этиб, келажак авлод саодати учун фидойилик қилаётган Инсон бугунги кунда тўла маънода миллитнинг қаҳрамонидир. У биздан кейинги фарзандлар, набира-чеваралар... наздида ҳам худди шундай бўлиб қолади... Чунки бугуннинг баҳоси эртага аниқроқ берилади...

Ким нима деса десин. Мен тинч кечаётган кунларим учун, оппоқ ва беғубор тонларим учун, қаноати қайрилмаган орзуларим учун, болаларимнинг эртаси умидли эканлиги учун ҳам худди шундай хулосага келдим. Ваҳоланки... бундай дейишга асосим ҳам бор. Сувнинг қадри сувсизликда билинади деган жўн қараш билан масалага ойдинлик киритайлик; Сиз тинчлик ҳақида уруш кўрган, фожеа олдида дийдалари қотиб қолган одамдан бир сўраб кўринг. Наридан бора у осойишли лажалар учун узундан-узун нутқ ирод этмас, нари борса у жимгина қараб

тади. Бирни кўриб фикр этиб, мингми кўриб экир айласак, атрофимиздаги содир бўлаётган барча ҳодисаларни кўриб шукр қиламиз. Афғонистондаги кескин вазият, ўн тўққиз йилдан бери давом этаётган мақсадсиз уруш, Тожикистондаги биродарқушлик жангларининг оқибати, юртимизда яшаётган ҳар бир кишининг кўнглига оғриқ солади ва мамлакатимиз раҳбарияти тугган оқилона йўлнинг тўғри ва саодатли эканлиги боис ҳар биримизнинг дилимизда ташаккур ёғдулари порлайди.

Очиғини айтиш керак. Очиғини тан олиш керак... Уруш айрим кимсаларнинг ифлос мақсадлари, юқорида айтганимиз каби тор манфаати юзасидан бир эл бошига кулфат ёғдирад экан, бу ўринда ўша кимсалар, ўз-ўзидан бани-башар олдида ози қора бўлиб қоладилар. Улар халқларнинг қарғишига гирифторм бўладилар. Миллион-миллион одамларни иссиқ жойидан совутиб, тақдирини чигалликларга дуч келиб қолишига сабабчи бўлган бундай одамлар

қай бир ерда уруш кетаётганини эшитсам юрагим орқамга тортиб кетади. Йўқ бу кўрқувдан эмас... Мен фақат ўша ерда одамлар бошига тушаётган сўнгсиз изтироблар таҳлилдидан эзиламан. Бу ўткинчи чарху дунда элим тинч-тотув яшаётганидан қувонаман. Шунинг ўзи барча яхши нарсалардан авлоқ эмасми?... Кишлоқлар, шаҳарларни ҳарб техникалари оралаб эзгиламаяпти... Тунларим сокин... Кундузларим чарғон. Яна нима керак?

Ҳозир Ўзбекистон барча жабҳаларда илғорлашиб, илдам кетааяпти. Ислохотлар изга тушди. Самара беоряяпти. Инсоний яшаш тарзи, фаолият кўрсатиш манбаи бўлиш турли хил қонунлар қабул қилинди. Келажак авлод ҳаётига жиддий эътибор қаратилган. Тўқин-сочинлик мезони саналмиш қишлоқ ҳўжалиги соҳасида туб бурилишлар ҳосил бўлди. Инсон қадр-қиммати, шаъни, ор-номусини улғулаш бош мақсад қилиб қўйилди. Миллий тарбия, кадрларимиз асосида ўзлиқка қайтиш, қадим меросимиздан



АЙБЛОВ ЮМШАТИЛИШ

Комбоджа ҳарбий суди раиси вақтда қувгинда бўлган Комбоджа биринчи Бош вазирини Нородом Ранари батан жиноий айбловни «чақириб» олиш мумкинлиги тўғрисида баёнот берди.

«Агар бу халқ манфаатларига хизмат қилса, Ранаритга қарши қўзғатилган ишга ўзгартириш киритиш мумкин, - деди Ней Тол. Пномпендан келган ушбу хабарда айтилишича, мамлакат ҳарбий суди расийнинг ушбу баёноти - расий равишида шахарда Ранаритга нисбатан қўйилган айблов илк бор бироз юмшаганидан дарак беради.

ҚАНИ ЭДИ...

Кеча Гонгконг фонд биржасидаги савдода акциялар индекси 303 пунктга кўтарилиш бўлди.

«Қани энди, ноябрь ойида биржа «талваса»сига барҳам берилиб, акция нархларининг индексларини барқарорлаштирса, дея изоҳ бери маҳаллий телевидение биржа аниқликларини таҳлил этар экан.

ДАРОМАДИ «640 МИНГ ДОЛЛАР» ЭДИ...

Хитойлик Лю Чоуфу исмли шахс хавфсизлик хизмати томонидан қўлга олинди. У 640 минг доллар қалбаки пулни босиб чиқариб, «муомалага қўйган» экан.

Буни қарангки, бу маблағ унинг фақатгина бир йиллик фаолияти маҳсули экан.

Сохта пул соҳиби жиноят устида қўлга олинган ва маҳаллий қамқоқнага юборилган. Хавфсизлик хизмати ходимлари «хитойчи»нинг ушбу «пул босадиган ускуна» ва бир неча донна қурол топширган, деб хабар беради Синхуа ахборот маҳкамаси.

КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

АҚШдаги «Амтрак» темир йўл компанияси ишчиларининг иш ташлаш тўғрисидаги қарорини сўнгги дақиқаларда ўзгартиришга эришилди.

Компания маъмурияти ва касаба уюшмаси янги уч йил муддатлик меҳнат шартномаси ҳусусида келишиб олдилар. «Амтрак» президенти Том Доунсинг гапига кўра, 2300 нафар ишчи эндиликда ўз хизматига ва малакасига қараб йилга 3 фоиз мўқдорда иш ҳақини ошириб бормоқчи.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАЖАДАРИ

Advertisement for APKAL-G and APAL'GIN. Includes text: «Самарали дорин бўлиб, кўнглидаги мақсадлар ва боғлар учун қўлланиш мумкин». «сулк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш», «иши эмалани мустаҳкамлаш», «валерия хасталиқлари ва рахатини олдими олши». Includes a photo of a woman and a child.

Фахрланса арзигулик энг юқори сифат

Advertisement for SAMSUNG televisions. Includes text: «World BEST 29», «Bio CS-7277PTR CS-6277PTR», «Кафолат муддати - 2 йил». Includes the Samsung logo and «ELECTRONICS».

ТЕЛЕВИЗОРЛАР

Мультирезим. БИО. Телематн. Ультрарасқи биокинескоп. Тасвирда тасвир функцияси (2 тюнер). Компактли юқори технологик дизайн. Бошқарув панелининг янги дизайни. Мультистерео (икки канал/NICAM). Овозни икки каналдан чиқариш. Ахборотни экранга бир неча тилда (инглиз, рус, венгер, поляк, чех) чиқариш функцияси. Паст шовқинли кучайтиргич. Тасвирни яхшилашнинг махсус зажйри. Видеоанални яхшилаш тизими. 100 канални созлаш имконияти. Уйқу таймери /соатлар/ қўйиш/ўчириш таймери. Ранг, тиниқлик, аниқлик, овознинг баланд-пастлигини хотирлаб қолиш имконияти. Кабель телевидениеси учун гипер-частоталар полосаси.

Фирма дўконлари

Table with columns for location, address, and phone numbers. Includes entries for TOU Co. Ltd., Кафолат Файз, Отахон, and Наврўз.

SAMSUNG

A row of small advertisements and notices. Includes: «Халқ сўзи Народное Слово», «Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ», «МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси», «БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўжў ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодиёт 136-36-65; Матбуот 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, тиббиёт, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Хақаро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25», «Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г - 0747, 33.805 нуسخада босилди, ҳажми - 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А-2 Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти-21.00 Босишга тоширилди - 21.35 1 2 3 4 5 6».